

Аёл тафаккури маънавият гулшани

ЖДПИ катта ўқитувчиси М.Қодирова

Оилали аёл. Фарзандли аёл. Ҳа бу сўзлар замирида олам-олам маъно бор. Оилали аёл ёки фарзандли аёл деганимизда кўз олимизда гўзал, меҳрибон, иболи, ақлли аёл сиймоси пайдо бўлади. Бундай аёлларни биз доимо оила қуршовида, фарзандлари билан овора шу билан бирга рўзғор ташвишларига кўмилган ҳолда тасаввур қиламиз. Бу яхши албатта. Чунки аёл оиланинг бир бўлаги. Аёлсиз оила бут бўлолмайди. Фарзанд тарбиясининг деярли 80-90% ҳам аёллар бўйнида.

Оила қувончи аёллар қўлида десак адашмаймиз. Чунки, оиланинг барча ташвишлари ва муаммолари ҳам аёлларимизнинг ҳаракатлари билан ечимини топади. Ақлли, зейрак аёл оиласидаги муаммоларни фарзандларига, қариндош-уруғ, кўчага олиб чиқмайди. Ҳар қандай ташвиш ёки муаммони оила ичида ҳал қилишга ҳаракат қилади. Бу бизнинг ўзбек аёлларига хос хусусият.

Аёлнинг иродаси ҳам кучли. Аёлларимиз тош келса кемириб, сув келса симириб, ҳар қандай тўсиқдан енгил ўтиб кета оладилар. Бунда уларга хушмуомилаликлари шу билан бирга озроқ маккорликлари ҳам ёрдам беради. Аёлга хос метин ирода ва сабр бардош унинг ҳар соҳада олиб бораётган ҳаракатларида ўз исботини топиб келмоқда. Ҳозирги кунда аёлларимиз оила бекаси бўлиш билан бирга турли жабҳаларда меҳнат қилиб ўзларини кўрсатиб келяптилар. Жумладан, корхона муассаса раҳбарлигидан тортиб, тадбиркорлигу, фермерлик каби вазифаларни бекаму-қўст бажармоқдалар. Ҳам оила, ҳам давлат иши, бунга унча-мунчанинг бардоши етмайди. Ҳатто бир қўлида бешик тебратиб, ишлаётган аёлларимиз қанча. Бу аёлларимизнинг кучлилигидан дарак беради, жамият ривожига ҳисса қўшиш истаги жўш ураётганлигидан дарак беради.

Қанийди рўзғоримни бут қилиб олсам, қанийди оиламизда бирон бир муаммо бўлмаса, фарзандларим ақлли, ўқимишли, элга таниқли инсонлар

бўлиб етишсалар, фарзандларимнинг камолини кўрсам, тўйлар қилсагу, келинларимиз хизматимизда бўлса... бундан ортиқ бахт борми? Қайси аёл бундай ўй хаёлларга берилмайди дейсиз? Қайси аёл бундай ширин орзуларни дилига тугмайди дейсиз. Шундай ўйлар билан бирга ўзи меҳнат қилаётган жамоанинг ҳам келажаги орзусида яшайди аёл. Жумладан фарзандлар тарбияси, таълим соҳасини ривожлантириш масалаларида жон куйдиради. Бундай аёлни маънавиятли аёл деб атасак бўлади. Дарҳақиқат аёлнинг юксак маънавиятли бўлиши кўп жиҳатдан унинг ривожланган тафаккурига боғлиқ бўлади. Аёл тафаккури юқорида келтириб ўтганимиздек орзу-хаёллардагина эмас, ушбу орзу хаёлларни рўёбга чиқаришда ҳам намоён бўлади.

Аёл тафаккури ҳар нарсага қодир. Орзу қилиш, унга интилиш, уни рўёбга чиқариш, уни ўзгартириш, ривожлантириш, янги ғоялар билан бойитиш ҳам аёллар тафаккурининг маҳсулидир. Аёлларимиз қадами етган соҳа гуллаб-яшнаб, ривожланиб бормоқда. Бу аёлларимизнинг зийраклиги ва фикри тиниқлигидандир. Аммо шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, аёлларнинг ҳам ҳаммасини пок, виждонли, иймон-этиқодли деб айта олмаймиз. Кўп жойларда ўқимишли билан ўқимаганлар ўртасидаги фарқ ҳақида гапирилади. Лекин ҳозирги тараққиёт даврида ўқимаган инсонлар кам учрайди, учраганда ҳам айримлари ўқиганлардан кўра ақллироқ. Бу билан мен 2 хил тоифадаги инсонларни таққосламоқчи эмасман. Демокриманки, инсон ўқимишлими ёки ўқимаганми доим ижтимоий хулқ нормаларидан четга чиқмаса. Айниқса аёлларимиз. Юқорида таъкидлаганимиздек аёлни доимо она сиймосида тасаввур қилайлик.